

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР ОНА-ЮРТИМИЗНИ БАЛО ҚАЗОЛАРДАН АСРАЙМИЗ!

КАБИҲ НИЯТ БИЛАН ЮРГАН КИМСАЛАР ҲАР ҚАНЧА УРИНМАСИЛАР ЮРТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИККА РАҲНА СОЛОЛМАЙДИЛАР, ХАЛҚИМИЗ ИРОДАСИНИ БУКА ОЛМАЙДИЛАР

ДУНЁ ҚОТИЛЛАРНИ ҚОРАЛАМОҚДА

Шу кунларда Тошкент ва республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси дунёнинг қатор мамлакатларидаги ўзларининг ишбилармон шериклари, дўст ва биродарларидан телефон ва Интернет орқали таъзия ва ҳамдардлик билдирган мактубларни қабул қилмоқдалар. Ўзбекистонда содир этилган террорчилик хатти-ҳаракатлари сайёрамизнинг миллионлаб инсонлари қалбида дард-алам ҳис-туйғуларини уйғотди.

Этиборга молик жиҳати шундаки, оддий фуқаролар фикри кўпга давлатлар расмий шахслари, халқаро ташкилотлар вакилларининг террорчилар жиноятларида берган баҳоси билан ҳамохандир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг амалдаги раиси, Болгария ташқи ишлар вазири С.Пасси Тошкентда содир этилган террорчилик хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарни эшитиб, «Бу фақатгина ЕХХТга аъзо 55 давлатнинг ушбу вабо тарқалишига қарши курашни тасарруфимизда мавжуд барча воситалар билан олиб боришга қатъий қарорини қайта жонлантиради», деб таъкидлади.

«Террорчилик, айирмачилик ва экстремизм — айнан шу уч ёвузлик минтақавий тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда», — деб қайд этади ХХР ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин. — Хитой ҳукумати Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг мазкур уч ёвузликка қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайди ва бутун дунё ҳамжамияти, шу жумладан, Ўзбекистон билан ақсилтеррор соҳада ҳамкорликни кучайтиришни давом эттиришга тайёрдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ижроа қотиби Чжан Дэгуан мамлакатимиз ҳукумати сайё-ҳаракатлари ва чораларини қўллаб-қувватлашни қайд этиб, ШХТга аъзо барча давлатлар билан биргаликда бутун минтақада ва ҳар бир аъзо давлатда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашга йўналтирилган муштарак сайё-ҳаракатлар орқали террорчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришга тайёрлигини изҳор этди.

Буюк Британия Ташқи ишлар вазири Дэвид Хейл мартабали вакили Б.Раммел Ўзбекистонда содир этилган террор хуружларини «қабих фитнакорлик», деб таърифлади. У қурбонларнинг қариндош-уруғларига чўқур таъзия билдириб, «Дунёнинг бошқа мамлакатлари қатори биз ҳам террорчилик таҳдидига дуч келмоқдамиз ва бу балога қарши биргаликда ва ҳамжихатликда курашмоғимиз даркор», деб таъкидлади.

— Ўзбекистонда содир этилган террорчилик хатти-ҳаракатлари халқаро террорчиликка қарши курашда жамоавий фаолиятни кенгайтириш зарурлигини кўрсатди, — деди Россия ташқи ишлар вазири С.Лавров Берлинда Афғонистон бўйича бўлиб ўтказилган халқаро конференцияда. — Ўзбекистондаги террорчилик хатти-ҳаракатлари барчамиз учун гайрат-шижоатимизни бир лавзага ҳам заифлаштиришимиз мумкин эмаслигини кўрсатувчи жиддий ишорадир, уни барча бахбаларда янада кучайтириш лозим, деб таъкидлади Россия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари.

Британия парламенти депутати Г.Стритер диний-экстремистик ташкилотлар фаолияти юзасидан мамлакатимиз раҳбариятига бу борадаги қатъий сиёсатига юксак баҳо беради. «Туркия ҳар қандай террор хуружларини ким томонидан ва нима мақсадда амалга оширилганидан қатъи назор кескин қоралайди, — дейилади Туркия Ташқи ишлар вазирилиги баёнотида. — Бутун жаҳон барқарорлигига таҳдид туғдираётган террорчиликка қарши халқаро ҳамжамият ўзаро сайё-ҳаракатларни бирлаштирган тақдирдагина муваффақиятли курашиш мумкинлигини Туркия халқаро миқёсда кўп мартаба таъкидлаган ва унга қарши курашни давом эттиришга қатъий эканини билдиради».

«Ўзбекистонда содир этилган ҳамда беғуноҳ одамларнинг қурбон бўлиши ва жабр кўришига сабаб бўлган террор хуружлари ҳақидаги хабар Украина парламенти аъзоларини чўқур қайғуга солди, — дейилади Украина Верховний Радаси раиси В. Литвиннинг ўзбекистонлик депутатларга йўллаган мактубида. — Террорчиларнинг ваҳшийлигидан қалбимиз ларзага келди. Улар ўз қабих жиноятлари учун муқаррар жазога лойиқдирлар».

Қозғоғистон ва Қирғизистон парламенти раҳбарлари Ж.Тукжой ва М.Убайдуллаев ҳам «қабих ва ваҳший террор хуружлари» натижасида жабр кўрганларнинг қариндош-уруғларига самимий ҳамдардлик билдириб, Ўзбекистон ҳукумати сайё-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлашларини таъкидлашган.

«Жаҳон» АА



Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ўнлаб беғуноҳ юртдошларимиз ҳаётига зомин бўлди. Бу хунрезлик Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Мойбулоқ» ширкат хўжалигидаги Қоқ қишлоғи аҳлини ҳам қаттиқ ларзага солди. Фожия қурбонлари орасида шу қишлоқда туғилган, айни пайтгача, пойтахтимизнинг Яқасарой туманида профилактика нозир бўлиб ишлаб келган милиция катта лейтенанти Мансур Турғунов ҳам бор эди. У ўз хизмат вазифасини ба-

ФИДОЙИЛИК НАМУНАСИ

жараётиб ҳалок бўлди.

Икки нафар сафдоши билан ўз ҳудудини назорат қилиб юрган Мансур Турғунов Тошкент тўқимачилик комбинати ёнидаги Қушбеги қўчасининг мулолишида таксига ўтирмақчи бўлаётган шубҳали кишиларга қўзи тушади. Милиция ходимлари улардан ҳужжатларини кўрсатишни талаб қилади. Сирфи фож бўлишига қўзи етган жиноятчилар осойишталик посбонларига қарата ўқ узади...

1969 йилда туғилган М.Турғуновнинг таржimai ҳоли ўз тенгдошлариникидан деярли фарқ қилмайди: мактаб, ҳарбий хизмат, иш...

— Оилада ўн фарзанд эди, — дейди Мансурнинг акаси Акбар Турғунов. — Беш ўғил орасида Мансур оғир-босиқлиги, тўғри сўзлиги билан ажралиб турарди. Ҳақсизликка чидай олмасди. Минг афсус, умри қўсқа экан. Қолган умрини тўрт нарсанида фарзандига берсин.

— Ўн йил бир синфда ўқиганмиз, — деб мактаб даврларини ёдга олади марҳумнинг синфдоши Файзулла Самадов. — Мансур болалигидан милиция соҳасида ишлашни орзу қиларди. Оқўнғил, содда ва меҳрибон йигит эди. Унинг ўлими ҳаммамиз учун катта йўқотиш бўлди. Мансур Ватан ҳимосяи, юрт тинчлиги йўлида жонини фидо қилди. Унинг қотилларини халқ лаянати, тўрт нарсиданинг уволи тутсин.

Мусибат Мансурнинг отаси Абдусалом ақани айниқса чўқур қайғуга солди.

— Ҳеч бир инсон фарзанд доғини кўрмасин, — дейди Абдусалом ака. — Лекин менга бир ҳол таскин беради — ўғлим берган тузимни, халқимизнинг ишончини оқлади. Юртимизнинг осойишталиги йўлида жон фидо қилди. Террорчилар халқнинг лаянатига дучор бўлади. Ўғлимнинг хотираси эса наинки ҳамқишлоқларимиз, балки

бутун халқимиз қалбида абадий қолишига ишонаман. Чунки Президентимизнинг телевидение орқали чиқиб қилганларида рўй берган муҳим воқеаларда беғуноҳ қурбон бўлганларга, халқ оила-аъзоларига, қариндошлари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этдилар. Бу бизнинг оиламизга ҳам тегишли. Юртбошимиз раҳбарлигида халқимиз террорчи гандаларни топиб, тегишли жазосини беришига имоним қомил. Бинобарин, бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмай, иншооллох.

— Дўстим ўз бурчини ўтади, — дейди Мансурнинг синфдоши, 63-ўрта мактаб ўқитувчиси Мамасоли Рўзиқулов. — У бошқалардан ўз кўмагини аямайди, бундан кўра унинг йиғит эди. Унинг жасорати ёшларимиз учун ўрнак бўлса арзийди.

Акбар ҚАРШИЕВ, ЎЗА мухбири

КИНОЧИЛАР ТЕРРОРНИ ҚОРАЛАЙДИ

Юсуф РОЗИКОВ, «Ўзбекфильм» киностудияси директори:

— Бир ҳурорат ёвуз ниятли кучларнинг осойишта ҳаётимизга раҳна солиш ниятида террорчилик ҳаракатларини содир этгани биз киноижодкорларни ҳам ларзага солди. Улар ўзларининг разил мақсадлари орқали халқимиз бошига қулфат солишга, шу йўл билан тубан мақсадларига эришмоқчи бўлишди. Ушбу воқеалар туфайли киночилар ўзаро фикрлашиб, бундай ёвузликка қарши қатъий қарор қабул қилиш, уларнинг террорчилик билан ниқобланган жирканч башараси очиб ташлашнинг лозим, деган ҳулосага келдик.

Ҳозир дунёда юзага келган вазият террорнинг минтақа ва мамлакат танламаслигини кўрсатмоқда. Қабих ниятли кучлар ҳоқ яширин, ҳоқ ошқора бўлиб, фақат қурол ва тубанлик билан иш қўришга, шу орқали тинч вазиятни издан чиқаришга уринмоқдалар.

Содир этилган ноҳуш ҳодисалар барчамизни янада тубан бўлишга, ёвузликнинг илдизини йўқ қилишга баҳамжихат иш қўришга ундайди. Бизнинг ҳулосамиз шунки, ҳаётимизга, осойишталигимизга мутлақо зид бундай ҳаракатларнинг моҳиятини чўқур ўрганиб, уларни аёвсиз фож қилиш, қоралаш лозим деб ўйлаймиз. Бу йўлда бошланган кенг сайё-ҳаракатлар, албатта, ўз-самарасини беради. Ҳукуматимиз ва халқимиз иродасининг жиғислиги эса ҳар қандай вазиятда ҳам осойишта ҳаётимизнинг барқарорлигини кафолатлайди.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — УЛУФ НЕЪМАТ

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида содир этилган террористик ҳаракатлар ҳам мамлакатимизда мустақиллигини, халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётини қўрқолаётган кимсалар томонидан содир этилганлиги барчага аён. Уларнинг қабих ишлари натижасида беғуноҳ одамлар қурбон бўлди. Биз юртимиздаги сиёсий барқарорлиқни ва фуқаролар тўтувчилигини бузишга, ислохотлар жараёнини издан чиқаришга, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотишга уринган разил кўпуровчилар, уларнинг ҳомийлари тезда аниқланишига ва одил суд ҳукми билан қаттиқ жазоланишига ишонамиз.

Мустақилликнинг илк кўнлариданоқ давлати-

миз раҳбари юрт тинчлигини энг улўф неъмат сифатида асраб келмоқдалар. Зеро, юрт тинчлиги — Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Бутун халқимиз террорчиларнинг мақсад-муддасини яхши англаб турибди. Уларнинг нияти осуда ҳаёт тарзини издан чиқариш. Ишон билан айтмаски, улар ўз ниятларига ҳеч қачон эриша олмайдилар.

Назар ҲАКИМОВ, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.



ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ларнинг фаол иштироки, бу борада керакли чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланди. Йиғилишда барча туман, шаҳар партия кенгашларида «Ёвуз кучлар йўқолиши» шiori остида сўхбатлар, мулоқотлар ўтказишга келишиб олинди.

Термиз шаҳар темир йўл бекатида террорчилик ҳаракатлари қарши митинг бўлиб ўтди. «Йўқолиши терроризми» шiori остидаги 200 нафар киши иштирок этган мазкур митингнинг ташкил қилишда ХДП шаҳар кенгаши ҳам иштирок этди.

ХДП Наманган ва Норин туман кенгашлари қатор жамоат ташкилотларининг маҳаллий бўлимлари билан ҳамкорликда Шўрқўрғон касб-ҳунар коллежи, Ҳаққулобод шаҳарча ҳамда Тошлоқ, Норинқала, Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғинларида «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида мулоқотлар ташкил қилди. Тадбирларда иштирок этган ёшлар террориз-

ми қоралаб, унга қарши курашишга доимо тайёр эканликларини билдиришди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар партия кенгаши ва жамоат ташкилотлари бўлимлари вакиллари иштирокида шаҳардаги педагогика коллежида «Огоҳликка даъват» номли йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан шаҳар ҳокими, Олий Махлис депутати А.Акрамов, коллеж директори Қ.Эшонев, худудий БПТ котиби М.Мухторов ва бошқалар террорчилик оқибатида мамлакатимизда юз берган муҳим воқеалар ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Партия Тошлоқ туман кенгаши ташаббуси билан туман марказий шифохонасида «Терроризм — инсониятнинг душмани» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари террорчиликнинг муҳим оқибатлари ҳақида тўхталиб, барчани огоҳликка чақирди.

Бухоро вилоят партия ташкилотлари етакчилари шаҳар ва туманларда тузилган тезкор гуруҳ таркибига қиритилган. Улар томонидан ҳозирда жойларда терроризмга қарши учрашувлар, сўхбатлар ўтказилмоқда.

ВАТАННИ АСРА...

Шу йил 28-29 март кунлари содир этилган портлашлар муносабати билан ўз халқига жонқуяр Президентимизнинг муносабати тинглаб, юрагимдан ушбу шеърим мисралар тўкилди.

Тошкент, Ромитанда рўй берди портлаш, Тўқилди беғуноҳ инсонлар қони. Оғирдир бу муҳим хабарни тинглаш, Азиз ҳар инсоннинг ҳаёти, жони.

Кун бўйи изтироб, аламда юрдик, Лаянат ёвузларга то рўзи маҳшар. Иккинчи мартаба жаҳолат кўрдик, Яна бош кўтарди заҳарли аждаб.

Юртбошимиз бизга этди муножаат, Ҳар сўзи дардларга бир тикамал бўлди. Бундан юракларда жўшди ишжоат, Жасур ўғлонларнинг мушти тугилди.

Йўлбошим сўздан халқ бўлди бардам, Саросима кетди дилдан батомом. Бутун юртда ёшу қари ҳар одам, Бунёдкорлик ишини эттирар давом.

Бизлар жипслашиб, битта мушт бўлиб, Юрт тинчлиги учун тикамиз жонини. Ватан куч-қўратма боради тўлиб, Уни деб топамиз ҳар не имкони.

Эй ёвуз, ўз халқинг беладинг қонга Қон қақшади бундан авлод-аждодинг. Тўғри келарми шу инсоф, йўлнома, Инди кимга етар фарёдинг, додинг!

Ватандошим, доим огоҳ, хушёр тур, Ушанда маҳв бўлар ёвузлар тамом! Бу Ватан сенки, асра, бўлсин ҳур, Ёвузларни кутар, албат, иттиқом! Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, техника фанлари доктори, профессор

ХДП ҳаёти

ФАОЛЛИК — ИЛГАРИЛАШ МЕЗОНИ

Сирғали туман кенгаши Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол, аъзолари сони жиҳатидан йирик, нуфузли туман кенгашларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда кенгашнинг 5388 нафар аъзоси бор. Улар 207 та бошланғич, 33 та худудий партия ташкилотларига бирлашган.

Кенгаш ёшлар, хусусан партиянинг ёш аъзолари билан ишлашга ҳар доим алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Партия аъзоларининг 30 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Мана уч йилдирки, кенгаш қошида «Ҳаёт мактаби» ёшлар клуби фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда дастлаб воғта етмаган, тарбияси оғир ўсмирлар билан иш олиб борилади эди. Ҳозирда эса унинг Низомига

ўзгартириш киритилиб, у барча ёшларни ўз сафига чорламоқда. Бугун унинг эллиқдан ортиқ доимий аъзоси бор.

Туман кенгашида сиёсатшунос, файласуф, ҳуқуқшунослар билан кўлаб аъзоларининг ёшларни йўналтираётган муаммолар, Олий Махлис сессияси ҳужжатлари юзасидан кўпга суҳбатлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорларнинг ижодий кечалари тез-тез бўлиб туради. Бу эса ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини оширишда, маънавиятини юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Бундан тўғри англаган ёшларнинг сафи янада кенгайиб бораётти. Клуб аъзолари фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда дастлаб воғта етмаган, тарбияси оғир ўсмирлар билан иш олиб борилади эди. Ҳозирда эса унинг Низомига

Беход ШУКУРОВ



Суратда: ЎзХДП Сирғали туман кенгаши котибаси Лола Исмаилова партиянинг ёш аъзосига партия билетини топширмоқда.

Боболаримиз мақола маталарни кўн ва ҳў топиб айтишган. На кемтиги бор, на ортиги.

«Ховли олма, қўшни ол». «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши».

«Кўшнинг тинч — сен тинч!..» Айтаверса адо бўлмас. Яхиси бу кўйма мақолларни кўз унғимизда содир бўлган воқеот билан «милаганимиз» маъқул.

Богот туманидаги «Қизилравот» қишлоғида ўтган йил баҳоридан бахтсиз ҳодиса рўй берди. Бир фуқаронинг иморати эҳтиёсизлик туфайли чикдан ёнгиндан дегарли ёниб битди. Тилсиз офатдан вақтли хабар топилмагандан (қоқ тун ўртасида чикдандало офат) уй эгалари бир зумда борбидан айрилиб, бошпанасиз қолдилар.

Наврўз кунлари эди. Ҳаво ҳарорати ҳийла паст. Бу пайтда воҳода лў қориб, иморат тиклаш у ёқда турсин, энг жони сабил устлар иссиқ сувга қорилган лойсувоққа ҳам қўл уришмайди.

Ёнғин тушган уйга қўшнилар тонг сахардан тўпланишди. Қилинадиган ишлар қисқа фурсатда режалаштирилди. Аввало иморатнинг ёниб кетган ёғочларини янгилаш керак. Ёнғин тили беўхшов из қолдирган сувоқларни тишириш керак. Қисқаси тозаланинг ўзи анча вақт олади.

Қўни-қўшнларнинг ишга ярқолиси борки шу ерда. Аёллар тозалаш билан бандлар. Эркаклар томда. Куйган ёғочларни янгиларига алмаштиришмоқда. Зудлик билан борзоддан янги ёғоч келтиришди. Ҳар ким имкон қадар ёрдам қўлини чўзди. Биров тўсин, биров миҳ дегандай.

Хали кун пешинга оғмасдан иморат яқинида лўй хозирланди. Обдон пиширилди. Устлар ёғочларни ёйиб бўлиш билан томни лўй билан бостиришга киришилди. Лўйки муз дейсиз. Лекин биров оргинмади, бел оргигим бор демасди. Ҳамма тенг лўйга тунги иш бошлаб юборилди.

Қисқаси икки кунда иморат дегарли қайта тикланди. Унда яшаш имкони яратилди. Деворлари сувоқдан чиқарилди,

ёниб битган пол янғисига алмаштирилди.

Уша кунлари туман марказида Наврўз тантаналари бўлмоқда эди. Биз айтмоқчи бўлганимиз — элатнинг бирор ёш-яланги қўни шамгалат қилиб байрамга кел-

да меҳр-муруват, инсонийлик дегани шунда. ...Уч йил олдинги гап. Кеч кўз эди. Қўшнимиз Жуманиёв Матёқубовнинг етти яшар ўғли шундоқ қишлоғимиз орасидан оқиб ўтадиган Хитой каналида оқиб

гулдираб оқиб ётибди. Анҳор чуқурлиги икки одам бўйича бор, кенглиги йигирма қадамча келди. Бу улкан сувдан болани топиш...

Бунинг устига ҳаво совуқ, Сувга чўмилиш у ёқда тур-

кетибди. Қоқ пешинда тарқалган шумхабар бутун элатни оёққа турғизди. Кўз — йигим-терим даври. Бир ёқда пахта, бир ёқда шולי ўроғи. Богдаги ташвишлар мингта. Бугдойларга сув беришини айна вақти.

Хаммаси аро йўлда қолди. Кетмон далада, пахта, шולי қомбайида, мол-ҳол кўчада қолаверди. Қўни-қўшнлар, элатнинг барча йигитлари канал ёқасига тўпландилар. Сувга туман навбати келгани учун сой

син, совуқ сувга юз-қўл ювсангиз шамоллаб қоласиз. Кеч пешинда қўни-қўшнларнинг бирор ўттиз чоғли йигити сувга тушишди. Ўш қақиримлик каналнинг бун қисми қора хуфтонгача қадам-бақадам сувга шўнғиб пайпаслаб чиқилди. Ёш-яланларнинг совуқ сувга чўмилиб, шўнғиб оққан болакай жасадини бетининг излашларини қўриб туришини ўзи даҳшат. Энг қадимлиси ҳам бирор ўн дақиқаларга зўрга чидайди.

Кейин дирдираганча сувдан чиқиб канал ёқасида ёқилган гулханга иснади. Беш дақиқа ўтмасдан яна сувга тушади...

Уч қақиримлик каналнинг шу қисмида дегарли ҳар юз-юз эллиқ метрда махсус

майдиган гап айтиди: «Сув навбатимиз бор-йўғи уч кун эди. Аммо... бир йигит олди да бу «сув навбати» нима деган гап? Ҳозир буйруқ бераман — канал сувини тўхтатишди. Жасад топилмагунча очтириш йўқ...»

Хитой каналдан бутун туман қишлоқлари сув ичди. Эртаси тонгда жасад топилибди. Бунгача туман билан каналда совуқ сувга шўнғиган йигитларнинг бўлари бўлганди. Лекин ўша пайтда бирор банда «Менинг шамоллашим бор. Упкам чатоқ» дегани йўқ. Ҳеч ким айтмасда-да, буюрмасда-да сувга тушишди. Уларни битта нарсаси меҳр-оқибат, одамийлик туйғулари ундади.

«Яна ёдимада қолгани — ҳали тонг қоронғисидан бир пайла чой ичиб-ичмасдан ҳамма каналда қўл ушлашиб, қадамбақадам болани излашгаётибди-ю туман ҳокими О.Оллобергановга ҳаммадан вақтли келиб шу ерда юрибди...»

«Бир йигит сувга чўкканини, қўни-қўшнлар, элат йигитлари жасадини топмагунча уйга тарқамаймиз», деб туришганини айтдим. Ушанда ҳоким умрбод ёддан чиқ-

ди. «Яна ёдимада қолгани — ҳали тонг қоронғисидан бир пайла чой ичиб-ичмасдан ҳамма каналда қўл ушлашиб, қадамбақадам болани излашгаётибди-ю туман ҳокими О.Оллобергановга ҳаммадан вақтли келиб шу ерда юрибди...»

Кейинчалик шу қўни совуқ сувга тушиб дард орттирган қўни-қўшнларнинг болалари «Фалончи учун умрбод касал орттирдим» деб бир оғиз мин-

нат сўзини айтишгани йўқ. Йигитларни қўя туринг, қўни-қўшнларнинг ҳатто илгари аризмаган араз туфайли борди-келди қилмай юрган аёллари ҳам гўё ҳеч нима бўлмагандай... бу қора кўни ёддан чиқаришди.

«Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам қўшнлар» дейишди. Бунга кўпчилик бирор мусибат боисдан амин бўлишган. Ҳаёт синовлари қадим мақоллар ҳақиқатлигини исботлаб берган. Эл кишилари, қўни-қўшнлар ўртасидаги йил кунда ҳам қўшнларнинг «Бир йигит сувга чўкканини, қўни-қўшнлар, элат йигитлари жасадини топмагунча уйга тарқамаймиз», деб туришганини айтдим. Ушанда ҳоким умрбод ёддан чиқ-

нат сўзини айтишгани йўқ. Йигитларни қўя туринг, қўни-қўшнларнинг ҳатто илгари аризмаган араз туфайли борди-келди қилмай юрган аёллари ҳам гўё ҳеч нима бўлмагандай... бу қора кўни ёддан чиқаришди.

«Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам қўшнлар» дейишди. Бунга кўпчилик бирор мусибат боисдан амин бўлишган. Ҳаёт синовлари қадим мақоллар ҳақиқатлигини исботлаб берган.

Эл кишилари, қўни-қўшнлар ўртасидаги йил кунда ҳам қўшнларнинг «Бир йигит сувга чўкканини, қўни-қўшнлар, элат йигитлари жасадини топ

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради

Савол: Юридик шахсларни қандай тартибда жавобгарликка тортиш кўзда тутилган?

Ж.Каипбергенов, Қорақалпоғистон Республикаси.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 48-моддасининг талабларига мувофиқ юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Давлат қорхонаси ва мулкдор томонидан молиявий таъминланган муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ушбу Кодекс 72-моддаси бешинчи қисмида ҳамда 76-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида жавоб беради.

Юридик шахс муассаси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкнинг эгаси юридик шахсининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорнинг гайриқонуний ҳаракатлари тўғрисида вужудга келтирилган бўлса, юридик шахсининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Муассис (иштирокчи) ёки юридик шахс мол-мулкнинг мулкдори шу юридик шахсининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тақдирдагина мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга. Юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) ёки мулкдор юридик шахсининг муайян ҳаракати амалга ошириши оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқидан унинг ана шундай ҳаракати амалга оширилиши кўзлаб фойдаланган ҳолдагина юридик шахсининг ночорлиги (банкротлиги) уларнинг томонидан вужудга келтирилган деб ҳисобланади.

Савол: Юридик шахс қайта ташкил этилганда кредиторларнинг ҳуқуқлари қандай кафолатланади?

У.Бехбудов, Навоий вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 52-моддасига асосан юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган қайта ташкил этилаётган юридик шахсининг кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Қайта ташкил этилаётган юридик шахсининг кредитори шу юридик шахсининг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларини бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ҳамда зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.


Агар тақсिमлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахсининг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгида вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган юридик шахсининг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўлади.

Интер-спорт

ҲАҚАМЛАР КЕЛИШИШ ОЛИШДИ

Ёз ойларида ўтказиладиган «Евро-2004» футбол чемпионати олдида УЕФА бундай масъул ўйинларни бошқаришда ҳақамлик қилиш бўйича жиддий масалаларни кўриб чиқди. Ингилишда УЕФА раҳбарлари, ҳақамлик бўйича кўмита вакиллари, энг яхши ҳақам, мураббий ва машҳур футболчилар иштирок этишди. Ингилишда асосий мавзу сифатида учрашув пайтида юз берадиган «йўнанд ташқари ҳолат» ва «сустан офсайд» масалалари муҳокама қилинди.

Шеър ва шуур



Кўчкор НОРҚОБИЛ

XXI АСР (Туркман)

1. XXI аср — Инсониятнинг Кўйига қўл чўзиб яшаган даври... Ердаги ҳар майса тожи ҳаётнинг, Тириклик бошида ваҳмини кўрдим.

XXI аср... Бир ёшим гуздор, Бир ёшим тутаюди қиймат каби. Заминни қизғониб кўтариб турар Тинчлик деб ҳайқирган одамзот қалби...

XXI аср, Бу — менинг болам. Ишонч — умидларим, баҳри зиёдам! Шу ўғлон кўзида томчи ёш кўрсам Оқларим ўт бўлиб сачрар дунёга.

XXI аср, Мана, даста гул! Улоқтир қуролу бомбарларингни. Бари ўтмиш бўлсин... майли, ҳартуғул Келажакка ортма гавғоларингни.

ФАҚАТ СИЗ ТУФАЙЛИ ЯШАГИМ КЕЛАР

XXI аср, Бу — менинг ўзим! Урушингни кўрдим... Кўрдим ўлимни. Ёруғ тонлар учун ёшланди кўзим, Омон асрайсанми меннинг ўғлимни?! 2.

XXI аср, Бойчечак кулиб, Тиниқ зилларга чайилмоқда кўк. Баҳор тонларининг бағрини тилиб Не учун кўйишга отаясан ўқ?! XXI аср, Гоҳи хавотир Тутуни қопласа Тиниқ осмонни... Асрамоққа қурбим етади ишон, Ўралимга жойлаб Ўзбекистонни

XXI аср, Отам бугдой экар, Онам ёнар нон... Боламни ўйласам Пешонамда тер. Фақат мангайиндан Оқмаса бас қон Она ер, Она ер, Она ер...

XXI аср, Менинг дўстим бўл Сени қабоҳатинг кони демасман. Сени кўл бермасам Юрт деб ёнамасам, Яшт деб ёнамасам — Одам эмасман...

Ҳаётим самодат тортилган чизиқ, Ҳанча умрим қолди? — Яратган билар... Нафас олмақликка ҳатто вақтим зиқ — Фақат Сиз тўғрисида яшагим келар.

Ўттиз олти йилим — ҳавадога ўқ, Қайга учаяпти ҳамон бенишон. Иқилсам дунёда суягувчим йўқ, Яхшиям Сиз борсиз, ўйлаб қарасам. Сочим толасидан дўстни кўп дедим, Кимлардан айирди юракдаги ғам. Кўнгли қули бўлиб ҳаётни севдим — Қулгули туюлар шоирлигим ҳам.

Ёшлик ҳам бир зумда ўтаркан, эссиз... Ҳажр ажсин этди пешонамизни. Мабодо Азим, бўлмасангиз Сиз Дунёга келмасдим, Ишонасизми?!

Бу ҳаётнинг бор ўйинига Беарвоман бўлиб кўру кар. Гоҳ илонлар чиқиб кўйинимдан Ҳаётимга солади захар.

Ич-ичимга ютаман баъзан Бозор этай қайн дардимни? Кулиб туриб қарши оламан Мехробаги чаёнларимни...

Қалбни тишлар қайси бир қопқир, Зирқирайди гоҳ тевонларим. Тенг бўладим худодан топгур Сизга — ожиз, потовонларим.

Ҳақамлар ҳақида

ЕЛКАСИДА ЮКИ БОР ОДАМ

Эшикни ёпмайман бағрим сингари, Дўстлар даврасида ёниб яшайман. Ҳайҳот, узилмасин дўстлар қадами, Ахир мен уларсиз қандай яшайман.

Ушбу самимий сатрлар муаллифи, устоз журналист Фармон Тошев салкам ўттиз йилдан буён туман, вилоят, республика газеталарида қалам тебратиб келмоқда. Унинг ўтли мақолалари, дил суҳбатлари, ҳаёт фалсафаси билан суғорилган публицистикаси

шу йиллар давомида ўз ўқувчиларини топди. Камтарлик, ҳалол яшашни умр мазмуни деб билган журналистнинг қадами етмаган жой Самарқанд вилоятда бўлмас керак.

Устоз «Ўзбекистон овози» газетасининг вилоят муҳбири бўлиб ишлаган кезларда журналист, ёзувчи сифатида ўз маҳоратини бутун республикага янада намён этди. Ташаббускор матбуотчининг саъй-ҳаракати билан ЎзДП Самарқанд вилоят кенгашининг наشري бўлган «Регистон» ҳамда ҳуқуқий йўналишдаги бошқа нашрлар дунё юзи-

ни кўрди. Ўз вақтида ушбу таҳририятлар ёш журналистлар мактабига айланди. Уларда бир қатор истеъодлар камолга ётди.

Фармон Тошев нафақат журналист, балки иктидорли адиб, оловқалб шоир сифатида ҳам муҳлислар эътиборини қозонди. Унинг «Қарнаб қўшиғи», «Онанг тирик болам», «Қарнабликлар кўлгуси», «Мен ёмғирли кунда келаман», «Қарнабот армони» номли китоблари адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, китобхоналар томонидан юқори баҳоланди.

У «Зарафшон» газетаси бош

муҳаррири, вилоят кенгаши депутати сифатида ҳам самарқандликлар ишонч ва эътиборини қозонди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги арафасида Фармон Тошевга Президентимиз Фармони билан «Мехнат шухрати» ордени берилди. Бу ижодкорнинг узок йиллик заҳматларининг эътирофидир.

Елкасида Ватан, инсонларга меҳр улашиш юқини кўтариб келтаётган бу одам ҳамон йўлда. Изланишда...

Фаррух ҲАМРОЕВ

КЛИЧКОЛАР КИНОДА ҲАҚАМЛАР

Машҳур боксчилар ака-ука Владимир ва Виталий Кличколар Лос-Анжелес сафарига таниқ киноактёр Сильвестр Сталлоне билан учрашди. Сталлоне боксчиларни кинода ўйнашга таклиф қилган. «Сталлоне ўзининг «Роки» фильмининг олтинчи қисмини суратга олишга тайёргарлик кўраётган экан. Биз унинг таклифидан мамнун эканлигимизни билдириб, Виталий билан иккимиз бўлажак жангга ҳозирлик кўришимиз зарурлигини айтдик», дейди Владимир Кличко.



Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

ОДАМ ДУНЁГА БИР МАРТА КЕЛАДИ

«Одам ондан икки марта тўғилмайди». Мазкур мақоллар бахил, ҳасис, зиқна, қурумсоқ, топган-тутганини ўзгалар тугул ўзига сарфлашдан ҳам қизғанадиган, «тишининг кирини сўриб» юрса-юррадиган-у, аммо бироз ортиқчароқ чиқим қилиб, бирор тансиқроқ таом қилиб емайди, буди-шуди бўлатуриб дурустроқ кийим олиб киймайди, қисқаси, ўз сиҳати, роҳати, маишати тўғрисида ўйламай, ўзини ўзи қийнаб, азоб-уқубатга солиб юрадиган одамга: «Сен дунёга бир марта келсан, икки марта келмайсан-ку! Топган-тутганини «туп-ғирих» қилиб йиғиб, «босиб» ётавермасдан, зарур сарф-харажатингни қил, е. ич. кий. қул. ўйна!» деган маънода насиҳат қилганларида айтадилар. Мақол бошқа шунга ўхшаш баъзи ҳолларда ҳам мажозий маънода ишлатилади.

ОДАМНИНГ ҚҮЛИ ГУЛ

«Одам қўли — гул, манглай тери — дур»; «Инсон қиллолмайдиган иш йўқ»; «Одам қилган ишни одам қилади»; «Доно ҳам ондан тугилади»; «Алп ондан тугилар, арғумоқ — биядан» (Бу кейинги икки мақол билан: «Шундай ўткир ақл соҳиб бўлмиш доно ҳам, шундай кучли алп (баходир, паҳлавон) ҳам ҳамма одамлар қатори ондан, шундай кучли от — арғумоқ ҳам ҳамма отлар қатори биядан тугилган, осмондан тушган эмас. Бас, шундай экан? сен: «ўхў, унга тенглашиб, унинг билганини билиб, қилганини қилиб бўлармиди?!» деб ўтирма. «Кўз — кўрқоқ, қўл — ботир», ўқисанг, ўргансанг, ҳаракат қилсанг, ҳар қандай одамга ҳам тенглаша оласан, ҳатто ундан ўзиб ҳам кетишинг мумкин», деган маънода кишига далда берадилар, ғайратлантирадлар).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Andijonda — 25-32-70
- Buxoroda — 222-10-92
- Gulistonda — 25-03-80
- Jizzaxda — 5-49-85
- Navoiyda — 3-39-20
- Namanganda — 6-43-43
- Nukusda — 222-70-15
- Samarqandda — 35-20-54
- Urganchda — 226-51-35
- Farg'onada — 26-43-62
- Termizda — 3-79-98

«ОҚТОШДОН»

АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Оқтошдон» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2004 йил 3 май соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд вилояти, Нарпай тумани Оқтош шаҳри, Ж.Мирзаев кўчаси, 2-уй, «Оқтошдон» АЖ Мажлислар зали.

КУН ТАРТИБИ: 1. Оқтошдон АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

Кузатув кенгаши

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси бўлим мудир Равшан Шодиевга онаси Негби ШОДИЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

10669 нусxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi 2 3 4 5 6

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
- Asliddin RUSTAMOV
- Azimjon AYUPOV
- Aziz NOSIROV
- Ashur QODIROV
- Bobir ALIMOV
- Habib SA'DULLA
- Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona»)
- Nomoz SA'DULLAYEV
- To'lepbegon QAIPIBERGENOV
- Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
- Ma'naviyat va ma'rifiyat 133-69-45
- Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
- Parlament va huquq 136-57-20
- Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
- Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Kotibiyat 133-72-83
- Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUHBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
- Buxoroda — 222-10-92
- Gulistonda — 25-03-80
- Jizzaxda — 5-49-85
- Navoiyda — 3-39-20
- Namanganda — 6-43-43
- Nukusda — 222-70-15
- Samarqandda — 35-20-54
- Urganchda — 226-51-35
- Farg'onada — 26-43-62
- Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000. TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Nabvatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 564

10669 нусxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳурматли юртдошлар!

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT

«ПАХТА БАНК»

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Сизларга

«САХОВАТ»

муддатли омонат турини таклиф этади. Мазкур омонатга бўш пул маблағингизни «Пахта банк»нинг исталган филиалига қўйишингиз ва ҳар ойда йиллик 38 фоиз миқдорда даромад олишингиз мумкин!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!